



IPHR International
Partnership
for Human Rights

2022-йил февралда бўлиб ўтадиган 71-сессияда Ўзбекистоннинг Учинчи Даврий Ҳисоботини кўриб чиқиш олдидан ННТ томонидан БМТнинг Иқтисодий, Ижтимоий ва Маданий Ҳуқуқлар Қўмитасига берган қўшма баёноти

**Асосий масалалар: камситилмаслик, уй-жой,
саломатлик**

2022 ЙИЛ ЯНВАР



Мундарижа

Кириш 3

2-модда (Камситилмаслик) ва 12-модда (Саломатлик): ЛГБТ+ 3

ҚИЙНОҚ, ШАФҚАТСИЗ МУОМАЛА, ТОВЛАМАЧИЛИК ВА ҚАМОҚ ТАҲДИДИ
ОСТИДА 4

НОДАВЛАТ СУБЕКTLАРИ ТОМОНИДАН СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШ ХАВФИ
ОСТИДА 6

ОИВНИ ТЕКШИРИШ ВА ДАВОЛАШДАГИ ТЎСИҚЛАР 6

ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИГА ТАВСИЯЛАР 7

11-модда (Уй-жой): Мажбурий кўчириш 7

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК 8

2020 ЙИЛ ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН КЎЧИРИШ ИШЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН
ҚОНУНЧИЛИК 8

2020 ЙИЛ ЯНВАР ОЙИДАН БОШЛАБ КЎЧИРИШ ИШЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН
ҚОНУНЧИЛИК 10

КЎЧИРИШЛАР АМАЛДА, МИСОЛЛАР 10

ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИГА ТАВСИЯЛАР 11

12-модда (Соғлиқни сақлаш) 11

БУЗИЛГАН ВА ҚОНИҚАРЛИ БЎЛМАГАН ИНФРАТУЗИЛМА 12

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ 13

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ ТЎСИҚЛАР:
ХАРАЖАТ ВА КОРРУПЦИЯ 14

ШАФФОФЛИКНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ ВА ҲИСОБОТДА КАМАЙТИРИБ
КЎРСАТИШЛАР 15

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЗАНГИОТА ТУМАНИ 14-СОНЛИ АЁЛЛАР КОЛОНИЯСИДА
ТИББИЙ ЁРДАМ ВА ЯШАШ ШАРОИТЛАРИ 16

ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИГА ТАВСИЯЛАР 17

Кириш

Ушбу ҳужжат Иқтисодий, Ижтимоий ва Маданий Ҳуқуқлар бўйича Қўмита (Committee on Economic, Social and Cultural Rights (CESCR))га 2022-йил 22 ва 23-февралда бўлиб ўтиши режалаштирилган Ўзбекистоннинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг мамлакатда бажарилиши тўғрисидаги учинчи даврий ҳисоботини кўриб чиқиш олдидан маълумотларни тақдим этади.

Ҳужжат Инсон Ҳуқуқлари Бўйича Халқаро Ҳамкорлик (International Partnership for Human Rights (IPHR)) ва Марказий Осиёда Инсон Ҳуқуқлари Ассоциацияси (Association for Human Rights in Central Asia (AHRCA)) томонидан биргаликда тақдим этилган. AHRCA 2006 йилда муҳожирлар томонидан асос солинган ва Францияда жойлашган мустақил инсон ҳуқуқлари ташкилотидир. Марказий Осиёдаги алоқалар тармоғи орқали AHRCA инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни кузатиб боради, ҳуқуқбузарликларни ҳужжатлаштиради ва халқаро ташвиқот ишларини олиб боради. Инсон Ҳуқуқлари Бўйича Халқаро Ҳамкорлик (IPHR) нотижорат ташкилот бўлиб, Брюсселда жойлашган. 2008-йил апрел ойида ташкил этилган бўлиб унинг ваколати маҳаллий фуқаролик жамияти гуруҳларини инсон ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш бўйича олиб бораётган ишларида қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ташвишлари ва саъй-ҳаракатларини халқаро миқёсда эшитишга ёрдам беришдан иборат.

Ҳар бир тематик боб Ўзбекистон ҳукуматига тавсиялар рўйхати билан яқунланади.

2022-йил 10-январ куни IPHR ва Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоячилари Хотин-қизларга нисбатан Камситишларга Барҳам Бериш бўйича Қўмитасига (Committee on the Elimination of Discrimination against Women (CEDAW)) хотин-қизларга нисбатан оиладаги зўравонлик ҳақидаги ҳужжат тақдим этилди. Тегишли маълумот учун ушбу ҳужжатга қаранг.

2-модда (Камситилмаслик) ва 12-модда (Саломатлик): ЛГБТ+

“Бир жинсдаги катталар ўртасидаги розилик асосида жинсий алоқани ёки ўз гендер мансубликни ифодалашни жиноят деб ҳисоблаш инсон ҳуқуқларини очиқдан-очиқ бузишдир”.
Умумий шарҳлар № 22 (23-банд) CESCR, 2016 йил май

Ўзбекистон Жиноят кодексининг 120-моддаси¹ бўйича эркаклар ўртасидаги розилик асосида жинсий алоқа қилишнинг жиноят деб топилиши кенг тарқалган ижтимоий ва диний гомо- ва трансфобия, замонавий Россиянинг сиёсий таъсири ва Фарбга қарши кайфият билан биргаликда заҳарли аралашмани ташкил этади.

Оилалар қариндошларини жинсий озчиликка мансублигини билса ёки шубҳа қилса, кўпинча уларни жамиятнинг талабларини бажаришга мажбурлайдилар ва шифокорлар, психиатрлар, психотерапевтлар, муллалар ёки бошқа дин арбоблари билан “даволаш” учун маслаҳатлашадилар. Гейлар, бисексуаллар ва трансгендерлар милиция ва гомофоб фаоллари томонидан ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниш, ҳақорат қилиниш ва товламачиликка дучор бўлишади ва кўпинча қамоқ ва камситишларни бошдан кечиришади. Инсон ҳуқуқлари бузилишининг айбдорлари ва уларга қарши жиноят содир этганлар камдан-кам ҳолларда жавобгарликка тортиладилар.

1 <https://www.legislationline.org/documents/action/popup/id/8931>

Баъзи сиёсатчилар сўнги йилларда гомофобик баёнотлар билан чиқишди. Масалан, 2021-йилнинг март ойида Podrobno.uz ахборот агентлиги Олий Мажлис (Парламент) Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Алишер Қодиров ижтимоий тармоқларда 120-моддани кучайтиришга чақириқларини эълон қилгани ҳақида хабар берган эди: “Модда гомосексуализм ва ЛГБТ ғояларини тарғиб қилишнинг барча шаклларини тақиқлаши керак (...) Модда “мажбурий даволаш, қамоққа олиш, фуқароликдан маҳрум қилиш ва депортацияни назарда тутиши керак (...) Бу худди ғурури йўқ, миллати йўқ террорчиларга ўхшайди! Биз сизни рад этамиз! Биз Ўзбекистонни сиз яшай олмайдиган давлатга айлантириш учун қўлимиздан келганини қиламиз.”² 2021-йил июл ойида gazeta.uz хабар беришига қараганда, Қодиров яна шундай деган эди: “Ўзбеклар (...) ҳеч қачон гомосексуал муносабатларни ёки бир жинсли эрак никоҳини қонунийлаштирмайди, юз ёки минг йилдан кейин ҳам (...). Ҳўш, нега бу одамларни қийнаб, жамиятимизда яшашга мажбурлаш керак? (...) Келинлар (уларга) ёрдам берайлик. Бошқалар тезда қабул қилишлари учун уларни фуқароликдан маҳрум қилайлик”.³

Қодировнинг баёнотларидан кейин ҳеч бир ҳукумат вакили жинсий озчиликлар ҳуқуқларини ҳимоя қилмади.

Ўзбекистон ҳукумати жинсий озчиликлар ва уларга таъсир этувчи инсон ҳуқуқларининг бузилиши масаласида сўз эркинлиги ҳуқуқини қаттиқ чеклайди. Масалан, ҳукуматнинг очиқ танқидчиси ва Ўзбекистонда гомосексуализмни декриминаллаштириш тарафдори бўлган блоггер Миразиз Базаров 2021-йилда “туҳмат”да айбланиб, саккиз ойдан ортиқ вақтдан бери уй қамоғида сақланиб келинмоқда, унга ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ва ҳар қандай турдаги ёзишмаларни олиб бориш тақиқланган. Жиноят иши уни сўз эркинлиги ҳуқуқини тинч йўл билан амалга оширгани учун жазолаш учун қўзғатилгани тахмин қилинмоқда.⁴

Қийноқлар, шафқатсиз муомалалар, товламачилик ва қамоққа олиш хавфи остида

Ўзбекистон расмийлари уч йилгача қамоқ жазоси назарда тутилган 120-модда билан тергов ва судлов ҳукмлари тўғрисида тўлиқ статистик маълумотларни эълон қилмаган. Ички Ишлар Вазирлиги томонидан 2021-йил апрел ойида оммага очиқ бўлган ягона маълумот эълон қилинган бўлиб, унда 2016-2020 йиллар давомида 44 киши 120-модда бўйича судланганлиги айтилган, ва 49 киши ушбу маълумот эълон қилинган пайтда тегишли жазо билан қамоқ жазосини ўтаган.⁵

Гомосексуалликни декриминаллаштириш тарафдори бўлган халқаро инсон ҳуқуқлари гуруҳлари Ўзбекистон янги Жиноят кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда бу жиноятни олиб ташлашига умид қилишган бироқ Бош прокуратура томонидан 2021-йил 22-февралда эълон қилинган Жиноят кодекси лойиҳасида эраклар ўртасида ўзаро розилик асосида жинсий алоқа жиноят деб белгиланиши сақланиб қолган ва матн ўзгаришсиз қолдирилган. Ушбу ҳужжатни ёзиш вақтида Жиноят кодекси лойиҳаси қабул қилиниши кутилмоқда; биринчи Парламент ўқиши ҳали белгиланмаган.

2 <https://podrobno.uz/cat/proisshestviya/rukovoditel-demokraticheskoy-partii-milliy-tiklanish-zayavil-cto-predstaviteley-lgbt-soobshchestva/>

3 <https://www.gazeta.uz/ru/2021/06/07/kadirov-alisher/>

4 <https://www.iphronline.org/uzbekistan-miraziz-bazarov-slander.html>

5 <https://mediazona.ca/number/2021/04/22/men>

Инсон ҳуқуқларининг бузилиши, шу жумладан гей ва бисексуал, трансгендер ва гей деб ҳисобланган бошқа шахсларга нисбатан қийноқлар, жинсий зўравонлик ва бошқа шафқатсиз муомала шакллари, айниқса милиция ҳибсхонасида ва жазони ўташ муассасаларида қўпол тарзда намоён бўлмоқди.

Масалан, Равшан (исми хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзгартирилган) бисексуал йигитнинг 2018-йил июл ойида квартирасига милиция бостириб кириб, шериги билан жинсий алоқа қилаётганини видеога олишган. Милиция Равшанни милиция бўлимига олиб борган ва у ерда, унинг эслашича, «Мени шифтга кишан билан осишарди, қаттиқ калтаклашарди ва дубинка билан зўрламоқчи бўлишди». Шундан сўнг, улар уни ерга ётқизишди ва офицер унинг қорнига сакраб тушди.

Равшан шундай эслайди: “Умримда ҳеч қачон бундай калтакланиб кўрқитилмаганман. Бу қийноқлардан қутулиш учун ўлишни хоҳлардим”. Милиция уни 2000 доллар бермаса, 120-модда бўйича қамоққа ташлаш билан таҳдид қилганда, у пул тўлаб, қўйиб юборилган. Кейинчалик у шериги милиция билан ҳамкорлик қилганини ва айблов ва қамоқ жазосидан қочиш учун уни хавф остига қўйганлигини тушунди.

Милиция томонидан гейликда гумон қилинган шахсларни 120-модда бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун асос сифатида бир жинсли алоқаларнинг далилларини топиш учун анал текширувдан ўтказилишлари мумкин. Жаҳон Тиббиёт Ассоциацияси бир жинсли жинсий алоқаларни тасдиқлаш учун анал текширувдан фойдаланишни «илмий асоссиз», «фойдасиз» ва «қийноққа солиш ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалага тенглаштирилувчи» муносабат сифатида қоралади.⁶

Халқаро инсон ҳуқуқлари гуруҳлари ва АНРСА 2017-2021 йилларда Ўзбекистонда мажбурий анал имтиҳонлари ўтказилган камида тўққиз ҳолатдан хабардор.⁷ Озод Европа/Озодлик радиоси 2021-йил август ойида хабар қилганидек, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг исми сир қолишини сўраган икки ходими ҳибсхона ва қамоқхоналарда эркак маҳбусларни анал имтиҳондан ўтказиш энг кўп учрайдиган ҳақорат турларидан бири эканлигини айтишган.⁸

120-модда бўйича жазо ўтаётган маҳкумлар бошқа маҳкумларнинг норасмий, аммо қатъий ўрнатилган иерархиясида энг паст мақомга эга. Улар соқчилар ва бошқа маҳбуслар томонидан мунтазам равишда «қул» сифатида ишлатиладилар.

Масалан, Шавкат (хавфсизлик сабабли унинг ҳақиқий исми ўзгартирилган) Жиноят кодексининг 120-моддаси ва бошқа моддалари билан бир неча йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Жазонинг бир қисмини ўтаб, шартли равишда озодликка чиқган. У 2020 йилда IPHRга судгача қамоққа олиш вақтида бошқа маҳбуслар томонидан мунтазам равишда зўравонликка ду-

6 Бир жинсдаги жинсий алоқаларни исботлаш учун мажбурий анал текширувларни тақиқлаш тўғрисидаги WMA қарори, 68-Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган, Чикаго, АҚШ, 2017 йил октябр

7 Ўзбекистон: Гомосексуаллик айбловларида мажбурий анал тести, 2021 йил 5 август ва *Прокуратура закрыла уголовное дело, возбужденное против блогера из Андижана за защиту подростков от «гей-скандала»*, 2020 йил 4 декабр

8 Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи гуруҳлар ўзбек тарафни ректал текширувларни тўхтатишга чақиргандан кейин суиистеъмоллик ҳақида янада кўпроқ хабарлар, 2021 йил 10 август

чор бўлганини, қамоқхона қўриқчилари эса бунга бепарволик билан қарганини айтган. У тергов ҳибсхонасида ўтказган кунларни «ҳаётимдаги энг даҳшатли ва жирканч кунлар бўлганини» эслайди. У биринчи марта колонияга келганида, зобитлар уни калтаклаб, дубинка билан зўрламоқчи бўлишган, қамоқхона назоратчилари ҳам, маҳбуслар ҳам унга нафрат ва жирканиш билан муносабатда бўлишган.

Милиция ўзлари кузатиб юрган барча гей, бисексуал ва трансгендерларга қарши айбловлар қўймайди, лекин улар кўпинча уларни қамоқ жазоси билан қўрқитади ёки шантаж қилиш учун қариндошларига жинсий ориентациясини ошкор қилиш билан таҳдид қилишади. Кўпинча милиция ходимлари гей, бисексуал ва трансгендер шахсларни тузоққа тушириш ва қўрқитиб улар билан ҳамкорлик қилишга мажбурлаш мақсадида, ўзларини гей сифатида кўрсатиб, ижтимоий тармоқларда гейлар ёки трансгендерлар билан боғланишади. Милиция билан ҳамкорлик қилмасалар, уларни 120-модда бўйича жиноий иш қўзғатиш билан таҳдид қилади акс ҳолда уларга норасмий милиция ҳимоясини таклиф қилишади.

Нодавлат шахслар томонидан суиистеъмор қилиш хавфи остида

Гомофобик фаоллар ижтимоий тармоқларда гейлар, бисексуаллар, трансгендерлар ва жинсий озчиликларга нисбатан бағрикенгликни тарғиб қилувчиларни тез-тез қидириб топадилар, уларга зўравонлик ва хабар алмашиш хизматларида уларнинг исмлари, алоқа маълумотлари ва фотосуратларини «жазолаш» ва ўлдириш чақириқлари билан нашр этишлари билан таҳдид қиладилар. Сўнгги йилларда кўплаб гомофобик хабар алмашиш хизматлари пайдо бўлди.

Ушбу ҳисобот муаллифлари сўнгги йилларда гомофобик фаоллар ва оломон шахсларни зўравонлик, жисмоний зўравонлик таҳдидларига дучор қилган ва уларни ижтимоий тармоқларда тарқатган кўплаб ҳолатларни билишади.⁹ Интернетда калтаклаш видеолари тарқалган ва гомофобик тўдалар томонидан гейлар оғир яралангани ва ҳатто ўлдирилгани ҳақида ишончли хабарлар бор.¹⁰ Хавф остида бўлганида, бу одамлар милицияга таянмайди ва ҳимоясиз қолади.

ОИВни текшириш ва даволашда тўсиқлар

«Гомосексуалликни декриминаллаштириш масаласи ОИВ тарқалишига қарши курашиш зарурати туфайли кўриб чиқилмади». Давлатнинг саволлар рўйхатидага жавоби, CESCR, 8-сентябр 2020-йил

Ўзбекистонда ОИВ инфекциясига чалинганлар сони ҳақида ишончли маълумотлар йўқ.¹¹ USAID маълумотларига кўра, Марказий Осиё ОИВ эпидемияси ўсишда давом этаётган дунёдаги санокли минтақалардан биридир.¹² Эркаклар билан жинсий алоқада бўлган эркаклар юқори хавф остида,

9 Баъзи ҳолатлар эълон қилинган, мисоллар: <https://rus.ozodlik.org/a/29890288.html>

10 Масалан, қаранг: <https://rus.ozodlik.org/a/28764955.html>

11 Масалан, қаранг: Марказий Осиёда ОИВ эпидемиясини назорат қилиш учун ҳали кўп бор, 2 декабр, 2019 йил

12 USAID: ОИВ Марказий Осиё (Сайт охириги марта янгиланган: 2020-йил 31-март)

гарчи ОИВ қон қуйиш, шу жумладан беморларнинг қариндошларининг текширилмаган қонлари ва игна ва шприцларни қайта ишлатиш орқали ҳам юқсада.¹³

Ўзбекистонда гей, бисексуал ва трансгендер эркаклар ОИВга тестдан ўтиш ва даволаниш учун жиддий тўсиқларга дуч келишмоқда. ОИВ марказларига мурожаат қилганда, улар ўз ишларини махфий равишда ҳал қилинишига ишона олмайдилар ва уларнинг жинсий ориентацияси ва ОИВ ҳолати оила аъзолари ва милицияга ошкор қилинишидан, шунингдек, стигматизациядан қўрқадилар.

Ўзбекистон ҳукуматига тавсиялар

- Эркаклар ўртасидаги конценсуал жинсий алоқани жиноят деб ҳисобламаслик ва 120-модда бўйича судланганларнинг барчасини дарҳол ва сўзсиз озод қилиш ва реабилитация қилиш.
- Давлат мансабдор шахслари томонидан гей, бисексуал ва трансгендер шахсларга нисбатан ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳамда товламачилик ёки нодавлат субъектлар томонидан қўпол муомала қилиш ҳақидаги барча ишончли даъволар бўйича тезкор, ҳар томонлама, холис ва мустақил тергов ўтказилишини таъминлаш ҳамда жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларнинг адолатли суд тартибида жавобгарликка тортилишини таъминлаш.
- Милиция ёки нодавлат шахслар томонидан товламачилик ёки жисмоний зўравонлик ҳақида шикоят қилган ёки далилларни тақдим этган гей, бисексуал ва трансгендер шахсларни дарҳол репрессиялардан ҳимоя қилиш учун махсус тартибларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва бундай хатти-ҳаракатларни содир этганликда гумон қилинган шахсларга нисбатан тегишли интизомий ёки зарур ҳолларда жиноий чоралар кўрилишини таъминлаш.
- ОИВга қарши марказларда мижозларнинг жинсий ориентацияси, гендер мансублиги ва соғлиғи ҳақидаги маълумотларга қатъий махфий тарзда муомала қилишини таъминлаш учун қонунчиликни жорий этиш.

11-модда (Уй-жой): Мажбурий кўчириш

2014-йилдаги Якуний Кузатишларида CESCR Ўзбекистон ҳукуматини “мос уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи тўғрисидаги 7-сонли Умумий изоҳга мувофиқ, барча чиқариб юборилган шахсларни муқобил уй-жой билан таъминлаш ёки тегишли компенсация тўлаш бўйича қонунчилик ва бошқа чораларни кўришга (...) чақирди.”

Шундан кейин IPHR ва ҳамкорлар бутун Ўзбекистон бўйлаб уй-жой мулкдорларининг ўз кўчмас мулкларидан истисно ҳолатларда эмас, балки хусусий сармоя ва ободонлаштириш лойиҳалари учун мажбуран кўчирилган ўнлаб ҳолатларни ҳужжатлаштирган. Кўп ҳолларда жалб қилинган хусусий корхоналар ва инвесторлар маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватлангани хабар қилинган.

13 Масалан, ОИВ Адлия тармоғининг Ўзбекистондаги мамлакат саҳифасига қаранг (<https://www.hivjustice.net/country/uz/>) ва Слаире Тхорне, Нина Ференсис ва бошқалар: Марказий Осиё: бутун дунё бўйлаб ОИВ эпидемиясининг қайноқ нуқтаси, Лансет, 10-жилд, 7-сон, 2010-йил, 1-июл ([https://doi.org/10.1016/S1473-3099\(10\)70118-3](https://doi.org/10.1016/S1473-3099(10)70118-3))

Ҳақиқий маслаҳатлар кўпинча ўтказилмаган ва кўчириш билан таҳдид қилинганлар кўчириш вақти тўғрисида етарли даражада олдиндан огоҳлантирилмаганлар. IPHR ва AHRCA кўчирилиши кутилаётганлар бепул юридик ёрдамдан фойдалана олмаслигидан хавотирда. Кўп ҳолларда судлар томонидан жабрланувчиларни хабардор қилмасдан иш юритиш, уларнинг суд муҳокамасида иштирокисиз қарорлар чиқариш ҳолатлари кузатилган. Суд қарорлари баъзан мажбурий кўчиришга қарши мавжуд ҳуқуқий кафолатларни эътиборсиз қолдиради. Кўпчилик адолатли ва адекват компенсация олмаганликларини ва таклиф қилинган компенсация учун бир хил ҳудудда стандарт биноларни сотиб ололмаслигини таъкидладилар. Номоддий қадриятлар ҳисобга олинмаган (болалар мактаби, оилавий алоқалар).

Ҳуқуқ ҳимоячиларининг хабар беришича, 2020 йилдан бери кўчиришлар камайган, аммо улар давом этмоқда. Баъзилар буни 2021 йилда кучга кирган қонун ҳужжатлари - Ер кодексига (16-модда) ва Президентнинг 6243-сон қарорига киритилган ўзгартиришлар (қуйида кўринг) билан боғлашади. Бошқа томондан, фаоллар, 2020 йилдан бошлаб халқаро стандартларга зид равишда бошқа янги қонунлар хусусий инвестиция лойиҳалари орқали кўчиришни «қонунийлаштирган» ва шунинг учун мажбурий кўчириш давом этади деб хабар беришмоқда.

Миллий қонунчилик

Халқаро стандартлар кўчиришни миллий қонунчиликда тартибга солиши ва мажбуран кўчириш тақиқланиши кераклигини белгилайди.

Ўзбекистон Конституциясида мулк ҳуқуқи (36, 53-54-моддалар), “уй ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги” (27-модда) кафолатланган. Конституциянинг 55-моддасида ер “умумий миллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш ва давлат муҳофазасида бўлиши шарт” деб белгиланган. Хусусий мулк тўғрисидаги қонунлар де-юре уй-жой мулкдорларининг мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилган бўлса-да, миллий қонунлар кўчиришни белгиламайди ва қонуний равишда кўчириш тартиби аниқ кўрсатилмаган.

Амалда, кўчириш тўғрисидаги ишларда судлар ва муниципалитетлар кўпинча Конституциявий тамойилларни амалга ошира олмайдилар. 2021-йилги ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ер кодексининг 6-моддасида “ер давлат мулки” деб белгилаб қўйилган эди, бу эса Конституцияга зид эди.

Қуйида 2020 йил январгача бўлган кўчириш ишларида қўлланилган миллий қонунчилик ва янги қонунчилик 2020 йил 1 январдан кучга кирганидан кейинги ҳолат ҳақида умумий маълумот берилган. Бироқ, 2020 йил январ ойидан кейин ҳам судлар кўчириш тўғрисидаги иш бўйича ажримларда эски қонунлар ва олдинги муниципал ҳужжатларга мурожаат қилишда давом этган.

2020 йил январгача бўлган кўчириш ишларида қўлланилган қонунчилик

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан 2020-йил январгача кўчириш тўғрисидаги қарорлар “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари” тўғрисидаги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш таритбининг тубдан соддалаштирилган чора-тадбирлари” тўғрисидаги 54-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 97-сон “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан

шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартиби” тўғрисидаги қарори асосида қабул қилинган. 2018 йилдан 2020/2021 йилгача бўлган даврда одамлар «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» сабабли шахсий мулкидан чиқариб юборилган, гарчи бундай жиддий асослар кўпинча бўлмаган бўлсада. Инсон ҳуқуқлари бўйича адвокатларнинг таъкидлашича, кўчиришларнинг аксарияти 2020-йилгача содир бўлган.

2020-йил январигача “инфратузилмани ривожлантириш учун” юридик шахсга ер майдони ажратиш тўғрисидаги Ҳоким қарори билан кўчириш тартиби бошланарди. Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарорига кўра, мутасадди идоралар муайян мезонларнинг бажарилишини, жумладан, мулк эгаларининг розилигини текшириши керак эди. Амалда эса ҳокимларнинг қарорлари кўпинча бу текширувларсиз қабул қилинган.

Баъзида қурилиш лойиҳалари бўйича кўрсатмалар Президент аппаратидан келгани ва маҳаллий ҳокимият органлари зарур тартиб-қоидаларга риоя қилмасдан, ғайрат билан кўчиришни амалга оширганлиги айтилади.

Ваколатли органлар кўпинча халқаро ҳуқуқ талаб қилганидек, жабрланганларни ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўғри хабардор қилмаганлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 97-сонли қарорига кўра, уй-жой мулкдорларига кўчириш тўғрисида олти ой олдин хабар беришлиши шарт бўлган бўлса-да, амалда кўпинча бунга амал қилинмаган ва мутасадди ташкилотлар бу қарорнинг таъсири остида қолганлар билан маслаҳатлашмасдан, кўчмас мулк эгаларини камдан-кам ҳолларда хабардор қилганлар. Кўпгина ҳолларда, мулк эгалари келгуси кўчириш ҳақида миш-мишлар ёки лойиҳани ишлаб чиқиш компаниясининг вакиллари билан олишар эдилар, қайсилар Ҳокимнинг қарори билан уй эгаларига мурожаат қилиб, кўчириш ва участкада иш бошлаш бўйича музокаралар олиб бориш учун кўчирилатганлар билан боғланган.

Корхоналар кўпинча келишувга эриша олмаган фуқароларга нисбатан «мажбурий кўчириш тўғрисида» даъво кўзғатганлар. Ишлаб чиқувчилар ҳали ҳам 2020 йилгача қабул қилинган Ҳоким қарорлари асосида одамларга қарши даъво кўзғатадиган ҳолатлар мавжуд.

Шунингдек, одамларни олдиндан огоҳлантирмасдан ёки суд қарорисиз бир кеча-кундузда ўнлаб хонадонлар чиқариб юборилган ҳолатлар ҳам бўлган (масалан, Тошкент шаҳрининг Себзор массивида 2018-йил 29/30-сентябрда содир бўлган оммавий кўчиришлар).¹⁴

Муниципал қарор, агар жабрланувчи судга якка тартибда шикоят қилмаса, суд томонидан мажбурий кўриб чиқилиши шарт эмас. Суд қарорлари юзасидан, қоида тариқасида, иккита юқори инстанцияга шикоят қилиниши мумкин. Бироқ амалда фуқароларнинг мажбуран кўчириш тўғрисидаги судларга мурожаатлари кўпинча асоссиз қаноатлантирилмайди.

Суд мажлислари даъвогарларни олдиндан огоҳлантирмасдан ўтказилган, шунингдек, даъвогарларнинг иштирок этишига тўсқинлик қилган ҳолатлар мавжуд.

14 <ps://www.gazeta.uz/ru/2018/09/30/sebzor/>

2020 йил январ ойидан бошлаб кўчириш ишларида қўлланилган қонунчилик

2020-йил 1-январдан Вазирлар Маҳкамасининг “Ерларни олиб қўйиш” тўғрисидаги янги қарори (911-сон) кучга кирди, унда “давлат ва жамоат эҳтиёжларидан ташқари “инвестиция лойиҳалари” кўчириш учун асос сифатида жорий этилди. Фармонда, шунингдек, “қонунлар ва Президент фармонларида аниқ белгилаб қўйилган бошқа [исталган] асослар” бўйича ҳам кўчириш мумкинлиги қайд этилган. Хусусий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида кўчиришни бундай қонунийлаштириш халқаро стандартларга зиддир.

Янги фармонда айтилишича, агар бошқа 75 фоиз эгалари билан келишувга эришилса, кўчирувчи қолган 25 фоизгача бўлган эгаларни ерларини сотишга мажбур қилиши мумкин. 2021 йил 2 июлда Конституциявий суд ушбу қонунни конституциявий деб топди, чунки «компенсация суд томонидан белгиланади».

Бундан ташқари, янги «назорат органи» (жамоат фонди) ташкил этилди, у мулк эгаларига компенсация тўлаш учун етарли маблағлар мавжудлигини аниқлайди ва барча шахслар тўлиқ компенсация олгандан кейингина бузиш ишларини амалга оширишни таъминлайди. Бироқ, ушбу орган мулкдорлар билан маслаҳатлашиш ёки мулкни расмий баҳолаш ваколатисиз ўз вазифаларини қандай амалга ошириши аниқ эмас.

Фармон маҳаллий ҳокимият органларидан жабрланганлар билан маслаҳатлар ўтказишни талаб қилади, аммо хабар бериш муддати жуда қисқа: маслаҳатлар муниципалитетнинг кўчириш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан кейин 14 кун ичида ўтказилиши керак.

Яна иккита ижобий нарсани таъкидлаш керак. Биринчидан, Президентнинг 2021-йил 8-июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва ошкораликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва бозор мулкига ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6243-сон Фармони билан муниципалитетлар ер ажратиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, “Фақат қонуний эгаликдан бўшаган ва давлат захирасида жойлашган ерлар, участкалар учинчи шахсларга берилиши мумкин”лигини белгиланди. Иккинчидан, 2021-йилда Ер кодексига ўзгартириш киритилиб, ер априори давлатга тегишли эмаслигини белгилаб, ер “оқилона фойдаланиш ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши лозим бўлган умумхалқ мулки” деб тан олинди (16-модда). Айрим ҳуқуқ ҳимоячиларининг фикрича, 2020-йилдан кўчиришлар камайганига айнан шу тузатишлар сабаб бўлган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқшуносларнинг таъкидлашича, янги қонунчилик таъсирини тўлиқ баҳолашга ҳали эрта ва вазиятни қўшимча мониторинг қилиш зарур.

Кўчиришлар амалда, мисоллар

Мажбурий кўчириш кўпинча ҳурматсиз ва баъзан тажовузкор тарзда амалга оширилган. Улар қишда (масалан, қуйида опа-сингил Р лар 2020-йил 21-январдаги Самарқанд ишига қаранг)¹⁵, дам олиш кунларида (2018-йил 29/30-сентябрда Тошкент шаҳридаги Себзор массивидан оммавий кўчириш иши)¹⁶ ва махсус оилавий тадбирларда (опа-сингил Р лар ва Чимёндаги ёш оила 2020-

15 <https://anhor.uz/society/21055-2/>

16 Ушбу иш бўйича қўшимча маълумот сизнинг сўровингиз бўйича тақдим этилиши мумкин

йил 20-июн)¹⁷ амалга оширилган. Айрим ҳолларда булдозерлар ва ишчилар қолган аҳолини қувиб чиқариш мақсадида уйнинг яшамайдиган қисмларини вайрон қила бошлаган (Анҳор каналидаги уй/Тошкент, 2019 йил 3 март)¹⁸ бухоролик 80 ёшли аёл, 2020-йил 6-январ,¹⁹ опа-сингил Р лар Самарқанд, 2020-йил 21-январ; Олтинтепа тумани/Тошкент, 2020-йил 6-январ)²⁰ ёки кўчириш ишлари уй эгалари мамлакат ташқарисида бўлганида ҳам амалга оширилган. (Самарқандлик 80 ёшли аёл, 2020-йил 21-январ)²¹. Бузиш ишларидан ва товон пули йўқлигидан норозилик сифатида одамлар очлик эълон қилган ҳолатлар ҳам бўлган (Андижон/18.09.2019).²² Бир уйдан кўчириш пайтида уй эгаси касалхонага ётқизилган ва кейин касалхонада вафот этган (М. Тошкент, 2021 йил март).²³ Баъзи ҳолларда умидсиз, жароҳатланган одамлар кўчирилганларга норозилик сифатида ўзларига ўт қўйишган.²⁴

Ўзбекистон ҳукуматига тавсиялар

- Бошқа барча мумкин бўлган алтернативалар ўрганилгандан сўнг, охириги чора сифатида кўчиришни амалга ошириш.
- жабрланган одамлар билан ҳақиқий маслаҳатларни ўтказиш.
- барча режаларни шаффоф қилиш ва барча манфаатдор томонларни ўз вақтида хабардор қилиш.
- муқобил уй-жой, компенсация ва юридик ёрдам олиш имкониятини таъминлаш.

12-модда (Соғлиқни сақлаш)

Президент Мирзиёев 2017-2019-йилларда тиббиёт соҳасига оид қонунчиликни ислоҳ қилиш бўйича кенг қамровли дастурни амалга оширди, бу эса аҳолининг арзон дори воситаларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш ва малакали тиббий кадрлар билан янги тиббий инфратузилмани барпо этиш имконини берди.²⁵ Шу вақт ичида соғлиқни сақлашга оид 160 та қонун, жумладан, малакали тиббиёт ходимлари билан комплекланган, модернизация қилинган ёки янги тиббий инфратузилмада арзон тиббий хизмат ва дори воситаларидан фойдаланишни яхшилашга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Айтиш жоизки, собиқ президент Каримов даврида сиёсий ҳокимият ва маҳаллий манфаатдор томонлар ўртасида мунозараларга йўл қўйилмаган йиллар давом этган репрессиялардан сўнг Президент Мирзиёев даврида фуқаролик жамияти мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш учун зарур бўлган фикр ва баҳоларни билдира олди.

17 <https://anhor.uz/society/22406-2/>

18 <https://anhor.uz/vzglyad-iznutri/uroki-snosa-doma-78/>

19 <https://anhor.uz/society/20639-2/>

20 <https://web.facebook.com/100010162867938/videos/1094531457562273/>

21 Ушбу иш бўйича қўшимча маълумот сизнинг сўровингиз бўйича тақдим этилиши мумкин

22 <https://upl.uz/policy/12515-news.html>

23 <https://web.facebook.com/groups/328799110874813/search/?q=%D0%9C%D0%B0%D0%B2%D0%B6%D1%83%D0%B4%D0%B0>

24 <https://fergana.news/articles/114487/>

25 Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими ҳақида батафсил маълумот олиш учун IPHR ҳисоботига қаранг (муаллиф: Себастиен Пейроусе) Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш: Халқаро ҳамжамиятнинг роли қандай?, 2020 йил 7 декабр, https://www.iphronline.org/uzbekistan_healthcare.html

Хукумат мамлакатнинг энг долзарб эҳтиёжларини қондириш учун бир қанча аниқ ташаббусларни илгари сурди. Масалан, оилавий тиббиётнинг кескин танқислигига жавобан, айниқса, йирик шаҳарлардан ташқарида 793 қишлоқ оилавий поликлиникаси²⁶ очилиб, шифокорларнинг беморлар билан масофадан туриб мулоқот қилиш имконини берувчи телетиббиёт технологиялари тармоғи ишга туширилди. Президент Мирзиёев аҳоли орасида машҳур бўлган хусусий соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришни ҳам қўллаб-қувватлади. Кўпчилик энгил касалликларни даволаш учун давлат соғлиқни сақлаш хизматига мурожаат қилсада, жиддийроқ муаммолар учун хусусий тиббиётга мурожаат қилишни афзал кўради.²⁷ Жумладан, 2017-йилнинг апрел ойида Президент Мирзиёев хусусий клиникалар шуғулланиши мумкин бўлган тиббиёт йўналишлари сонини икки баробарга ошириш ҳақидаги қарорни имзолаган эди. Хусусий тиббиёт ташкилотлари 2022-йил 1-январга қадар солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди, бу икки йил ичида 1650 та янги хусусий тиббиёт муассасаси очилишини рағбатлантирди. Ўзбекистон ҳукуматининг Covid-19 инқирозига муносабати, жумладан, касаллик ҳақида аҳолининг соғлиғига оид хабарларни тарқатиш,²⁸ тез тиббий ёрдам телефонини яратиш ва вақтинчалик шифохоналар қуришни Тожикистон ва Туркманистоннинг рад этишни ўз ичига олган дастлабки сиёсатидан кескин фарқ қилди.

Бироқ, IPHR тадқиқоти шуни кўрсатадики, тиббиёт соҳаси ёмон аҳволда қолмоқда, хусусий тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганлар учун тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти чекланган ва расмий равишда бепул давлат тиббий хизматлари учун ҳақ оладиган тиббиёт ходимлари орасида коррупция мавжуд.

Бузилган ва қониқарли бўлмаган инфратузилма

Совет даврида қурилган кўплаб объектлар ҳали хонуз таъмирланмаган, масалан, мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири Намангандаги, Наманган, шунингдек, Уйчин вилоятидаги 20 000 аҳолисига хизмат кўрсатадиган поликлиника²⁹ жойлашган бинонинг фақат битта қават фойдаланилмоқда, чунки қолган иккитаси эскирган ва фойдаланишга яроқсиз.

Ишончли маълумотларга кўра, кўплаб шифохоналарда ётоқ етишмовчилиги юзага келган, бу эса драматик вазиятларга олиб келган³⁰, масалан Қашқадарё вилоятидаги³¹ касалхонада оғир аҳволда бўлган бир неча аёл бемор йўлакларда даволанишига тўғри келган. Қорақалпоғистондаги қишлоқ ёки узоқ ҳудудларда аҳвол янада ёмонроқ,³² касалхоналарда электр энергияси мунтазам узилиб қолади ва генераторлар эса йўқ, бу эса беморларнинг ҳаётига хавф туғдиради.

Касалхоналар ва тиббиёт марказларининг асосий ва кенг тарқалган муаммоси замонавий тиббий жиҳозларнинг етишмаслигидир. Шифокорнинг жиҳозлари кўпинча фақат қон босими мониторлари ва стетоскоплардан иборат. Баъзи шифохона лабораториялари³³ яхши жиҳозланмаган ва Совет

26 <https://rg.ru/2019/08/29/v-uzbekistane-postavili-cel-reformirovat-zdravoohranenie-k-2025-godu.html>

27 <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1136&context=tma>

28 <https://fpc.org.uk/wp-content/uploads/2020/07/Spotlight-on-Uzbekistan.pdf>

29 <https://kun.uz/ru/news/2020/07/06/dajye-elektrichestva-net-priskorbnoye-zrelishe-v-poliklinike-goroda-namangana>

30 <https://daryo.uz/uz/2019/06/14/nishon-markaziy-shifoxonasida-muammo-bor-hal-etilmasa-hali-kop-bemorlar-koridorda-yotadi/>

31 <https://fergana.agency/news/108245/>

32 <https://rus.ozodlik.org/a/29650476.html>

33 <https://kun.uz/ru/news/2020/07/06/dajye-elektrichestva-net-priskorbnoye-zrelishe-v-poliklinike-goroda-namangana>

давридаги эскирган ускуналар билан ишлашга мажбур. Айрим шифохоналарда, жумладан, Бухоро³⁴, каби йирик шаҳарлардаги баъзи шифохоналарида рентген, ЭКГ ва ултратовуш аппаратлари мавжуд эмас ва энг оддий тиббий хизматларни тақдим эта олмайди. Бу беморларни узоқ масофадаги бошқа касалхоналарга боришга мажбур қилади, бу эса ночор аҳолини харажатларга қўяди. Ўзбекистон ҳукумати ускуналарга инвестициялар камлигича қолаётганини тан олди, шу жумладан ресурслар етарли эмас.³⁵ Натижада, 2035 йилги стратегияда эътироф этилганидек, барча фуқаролар керакли даволанишга эриша олмайди, касалликнинг олдини олиш ёмон аҳволда ва баъзи одамлар фақат шошилиш тиббий ёрдам олади.

Малакали тиббий ходимларнинг етишмаслиги

2010 йилдан бери ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган шифокорлар сони 18 фоизга камайди³⁶, бу эса умумий амалиёт шифокорлари ва дояларнинг жуда камлиги, кардиолог ва травматологлар каби мутахассисларнинг етишмаслигига олиб келди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, 3000 нафар умумий амалиёт шифокори ва 10000 нафар мутахассисларига³⁷ ҳамда бир неча минг ҳамширага Ўзбекистон республика бўйлаб³⁸ эҳтиёж сезилмоқда, жумладан, биргина Тошкент шаҳри учун камида 2000 нафар ҳамширага эҳтиёж бор.³⁹ Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах каби вилоятларда ҳар 10 000 аҳолига 16-17 нафар тиббиёт ходими тўғри келади, бу кўрсаткич мамлакат бўйича ўртача 20,5 тани ташкил этади.⁴⁰ Барқарор Ривожланиш Мақсадларида 1000 аҳолига 4,45 шифокор, ҳамшира ва акушерлик чегараси тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёжни ифодаловчи минимал зичлик сифатида белгиланган.⁴¹

Оғир меҳнат шароитлари ва паст иш ҳақи ходимларнинг етишмаслигига олиб келмоқда. Шифокорлар учун ўртача иш ҳақи 100-150 АҚШ доллари, бошқа тиббиёт ходимлари учун 60-70 АҚШ доллари бўлса, иш ҳақи ўртача миллий маошдан (235 АҚШ доллари) анча паст бўлиб қолмоқда ва муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун етарли эмас.⁴²

Ишга қабул қилиш жараёнларидаги коррупция потенциал номзодларни тўхтатади ва танловни зарур кўникмаларга эга бўлганларга эмас, балки молиявий имкониятларга эга номзодларга нисбатан хавfli тарзда қаратади.

34 <https://kun.uz/ru/news/2019/12/03/zdaniya-vetxiye-oborudovaniye-ustarevsheye-kogda-sbudutsya-mechty-gijduvansev-o-sovremennoy-poliklinike>

35 <https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/-ENG.pdf>

36 <https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/-ENG.pdf>

37 <https://www.gazeta.uz/ru/2019/12/27/ministry-of-healthcare/>

38 including paediatricians, therapists, anaesthesiologists, obstetricians-gynaecologists, psychiatrists, radiologists, surgeons, and dentists

39 <https://www.gazeta.uz/ru/2019/12/27/ministry-of-healthcare/>

40 <https://uz.sputniknews.ru/society/20190726/12091422/Minzdrav-v-Uzbekistane-oschuschaetsya-nekhvatka-meditsinskikh-rabotnikov.html>

41 <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/250330/9789241511407-eng.pdf;sequence=1>

42 <https://migantvisa.ru/zarplata/srednjaja-zarplata-v-uzbekistane/>

Бу каллали ишчи ходимларни кетишига олиб келди. Масалан, Тошкент шаҳридаги давлатга қарашли Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида 2017-2019-йилларда 242 нафар малакали шифокор хусусий клиникаларга ёки хорижга ишга жўнаб кетган.⁴³

Тиббиёт ходимларининг малакаси ва салоҳиятини ошириш борасида муҳим муаммолар сақланиб қолмоқда. Тиббиёт ўқув марказларида янги ўқув материаллари ва инновацион услублар етишмайди.⁴⁴ Тиббиётга оид дарсликларнинг кам қисмигина ўзбек тилига таржима қилинган, рус тилини билиш, айниқса, вилоятларда ва инглиз тили кенг ўқитилмайдиган жойларда пасайиб кетган. Натижада, кам сонли тиббиёт ходимлари рус ёки инглиз тилларида онлайн тренингдан фойдаланиш имкониятига эга.

Тизимли коррупция ҳам кадрлар тайёрлашга путур етказди. 2019-йилда олий таълим муассасаларидаги коррупция бўйича 34 минг нафар Ўзбекистонликлар орасида ўтказилган сўровда иштирокчилар мамлакатдаги энг коррупцион ўқув юртлари ичида Тошкент тиббиёт академиясини 4-ўринга қўйдилар.⁴⁵ Тиббиёт олий ўқув юртларида танлов мезонлари ва имтиҳон тизимида шаффолик йўқлиги малакали кадрларни қўллаб қувватлашга тўсқинлик қилиб, ўрнига бадавлат номзодлар илгари сурилмоқдалар ва бунинг натижасида эса тиббиёт муассасаларида кўрсатилаётган хизматлар сифати пасаймоқда. Ниҳоят, тиббиёт талабалари ҳам ҳар йили дарс вақтини қисқартирадиган пахта йиғим-теримида қатнашишга мажбурдирлар.

Соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланишдаги тўсиқлар: харажат ва коррупция

Ўзбекистонда тиббий хизматлар кўпчилик учун жудда қимматдир. “Буюк Келажак” нодавлат нотижорат ташкилоти маълумот беришича, расмий маълумотларга кўра, аҳоли соғлиқни сақлаш харажатларининг (давлат муассасалари ва хусусий тиббиёт муассасаларидаги тиббий хизматлар учун тўловларни ҳисобга олган ҳолда) 40 фоизини ўз чўнтагидан тўлаётганлиги ҳақида хабар берсаларда, реал кўрсаткич 70-80 фоизга яқин бўлиши мумкин.⁴⁶

Масалан, жарроҳлик муолажаларини ўтказиётган беморлар операция ва операциядан кейинги парваришlash учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни сотиб олишлари керак.⁴⁷ Расмий равишда бепул бўлишига қарамай, ҳисоботлар шуни кўрсатадики касалхонада 8 дан 10 кунгача бўлган вақт беморга ўртача 300 дан 600 АҚШ долларгача тушади⁴⁸ ва бу 2019 йилда ўртача ойлик иш ҳақи солиқларсиз 235 АҚШ долларини ташкил этган⁴⁹ ва кексалар ойига атиги 70 АҚШ доллари миқдорида ўртача пенсия оладиган мамлакатда.

Дарҳақиқат, расмий равишда бепул бўлган тиббий хизматлар учун кўплаб тўловлар ноқонунийдир ва паст иш ҳақи туфайли тиббиёт ходимлари ўртасида кенг тарқалган коррупция тизимининг

43 <https://www.gazeta.uz/ru/2019/12/27/ministry-of-healthcare/> Many emigrated to Kazakhstan and Russia where, despite difficult conditions and underrated wages, doctors find better working and salary conditions than in Uzbekistan.

44 <https://stanradar.com/news/full/32197-medsina-v-uzbekistane-lehit-nelzja-reformirovat.html>

45 <https://fergana.media/news/109816/>

46 uzbekistan2035.uz

47 Шприцлар, капельницалар, катетерлар ва дори-дармонлар каби

48 <https://www.fergananews.com/articles/10253>

49 <https://tashkenttimes.uz/national/4510-average-salary-in-uzbekistan-at-us-235>

бир қисмидир. Коррупция Гиппократ қасамёдини бузадиган вазиятларга олиб келиши мумкин, бунга, тиббиёт ходимлари пул тўлай олмайдиган беморларни даволашдан бош тортган фактлар мисол бўлиши мумкин. 2018-2019 йилларда эллик нафар тиббиёт ходими ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатмагани учун судга тортилган.⁵⁰

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ваъда қилинган кўплаб ислохотлар давлат томонидан катта миқдорда молиялаштирилишини талаб қилади. Аммо, аслида, Каримов давридан буён давлатнинг соғлиқни сақлашга ажратадиган харажатлари камайган: аҳоли жон бошига соғлиқни сақлаш харажатлари 2016-йилда 135 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2017-йилда Президент Мирзиёевнинг президентлик фаолиятининг биринчи йилида 92,8 долларга, 2018-йилда 68,2 долларга ва 2019 йилда 83,6 долларга камайган.⁵¹ Сўнгги ўсишларга қарамай, 2019 йилги кўрсаткич Каримов даври охиридаги харажатлардан пастлигича қолмоқда. Худди шундай тенденция соғлиқни сақлашга сарфланган харажатларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушида ҳам кузатилмоқда, Президент Мирзиёев даврида бу ҳар йили 2016 йилдаги 5,2 фоиздан 2019 йилда 4,3 фоизгача камайиб бормоқда.⁵² Ҳукумат 2020-йилда харажатларни қарийб 2 миллиард долларга оширишини эълон қилди, бу 2019-йилга нисбатан 23 фоизга ошади.⁵³ Бироқ, ислохот жараёни барқарор бўлиши учун бу ўсиш бир неча йил давомида такрорланиши керак бўлади ва COVID -19 инқирозининг таъсири бунга қийинлаштириши мумкин.

Ҳукуматнинг коррупцияга қарши курашиш мажбурияти соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Президент Мирзиёев ҳукумати коррупцияга қарши эълон қилинган дастури - коррупцияга ботган ходимларни ишдан бўшатишни жорий қилди.⁵⁴ 2018 ва 2019 йилларда юздан ортиқ тиббиёт ходимлари коррупцияда айбланиб жиноий жавобгарликка тортилган ва судланганлар.⁵⁵

Бироқ суд тизими коррупция бўйича узоқ йиллик тажрибага эга бўлсада, судлар кўп жиҳатдан ижроия ҳокимиятига қарам бўлиб қолмоқда. Судланганлик даражаси ҳам юқори, яъни коррупцияда айбланаётганлар адолатли судланиши даргумон. Иккинчидан, тиббиёт ходимларининг маоши ва турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланмагунча коррупция камайиши даргумон. Расмийлар ҳукуматнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, сўнгги икки йилда тиббиёт соҳасида коррупция кучайганини тан олди. Бундан ташқари, тиббиёт муассасалари устидан шикоятлар бўйича маъмурий ходимларни ишдан бўшатиш каби авторитар чоралар уларнинг таъсирини шубҳа остига қўяди.

Шаффофликнинг етишмслиги ва ҳисоботда камайтириб кўрсатиш

Тиббиёт соҳаси ҳақидаги маълумотлар ноаниқлигича қолмоқда, бу эса яхшиланишга тўсқинлик қилмоқда. AHRCA⁵⁶ ва маҳаллий манбаларга кўра, ўлим ҳолатлари камайтириб кўрсатилади. Масалан, Қорақалпоғистон, Хоразм ва Сурхондарё вилоятида оналар ўлими кўрсаткичлари

50 <https://www.gazeta.uz/ru/2019/12/27/ministry-of-healthcare/>

51 <https://store.fitchsolutions.com/pharmaceuticals-healthcare/uzbekistan-pharmaceuticals-healthcare-report>

52 <https://store.fitchsolutions.com/pharmaceuticals-healthcare/uzbekistan-pharmaceuticals-healthcare-report>

53 <https://store.fitchsolutions.com/pharmaceuticals-healthcare/uzbekistan-pharmaceuticals-healthcare-report>

54 <https://centre1.com/uzbekistan/v-tashkente-uvoleny-rukovoditeli-39-meditsinskih-uchrezhdenij/>

55 <https://www.gazeta.uz/ru/2019/12/27/ministry-of-healthcare/>

56 <https://ahrca.org/>

сир тутилади. Аҳолининг заиф қатламлари, шу жумладан маҳкумлар ва ногиронлар, тегишли даволаниш хизматидан фойдалана олмаслиги мумкин ва уларнинг ўлим сабаблари кўпинча яширин сақланади. Касбий касалликлар тўғрисидаги маълумотлар оммага эълон қилинмаган ва жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш дастури эса бошланмаган.

Тошкент шаҳар Зангиота тумани 14-сонли аёллар колониясида тиббий ёрдам ва яшаш шароитлари

АНРСА (собик) маҳкумлар ва уларнинг қариндошларидан Тошкент шаҳрининг Зангиота туманидаги аёллар колониясидаги соғлиқни сақлаш ва қамоқхона шароитлари ҳақида маълумот олишга муваффақ бўлди.

ҚАМОҚДАГИ БОЛАЛАРИ БОР АЁЛЛАР

2021-йилда ҳуқуқ ҳимоячиларининг хабар беришларига кўра, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги аёллар колониясида (КИН № 21) 350 га яқин аёл ва 22 нафар бола сақланган. Хотин-қизлар колонияси ҳудудида жойлашган она ва бола бўлимида озодликдан маҳрум этилган аёлларнинг фарзандлари туғилгандан уч ёшгача бўлган даврда сақланади. Оналарга кунига атиги уч соат давомида чақалоқлари билан бирга бўлишлари мумкин, шунинг учун оналар чақалоқларини эмиза олмайдилар.

Болалар хавфсизлиги ҳар доим ҳам таъминланмайди

Собик маҳкумларнинг кўрсатмалари шуни кўрсатадики, қамоқхона ходимлари кўпинча болаларга ғамхўрлик қилиш мажбуриятини бажармайдилар ва уларнинг фаровонлигига хавф туғдирадидилар.

Масалан, сурункали алкоголизмдан азият чеккан ёш аёл амнистия қилинид, олти ойлик чақалоғи билан қўйиб юборилди. Фарзандига қарай олмаслиги аниқ бўлса-да, унга кейинги ёрдам ва бошқа муассасаларга йўлланма берилмаган. Озодликка чиққан куни аёл қаттиқ маст ҳолда боласини поезд остига ташлаб юборган ва бола у ерда вафот этган. Қамоқхона маъмуриятидан ҳеч ким ғамхўрлик мажбуриятини бузганлик учун жавобгарликка тортилмади, чунки воқеа қамоқхона ташқарисида содир бўлган.

Маъмуриятнинг яқинлашиб келаётган хавф-хатарда чора кўрмаганига яна бир мисол, 2017-йил август ойида содир бўлган кучли зилзила. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, силкинишлар аёллар қамоқхонаси казармаларида кучли сезилган. Ҳамма хавфсиз жойга бориш учун ваҳима ичида югурди. Бир маҳбус аёл ходимларнинг болалар ва гўдаклар сақланадиган болалар бўлимидан кичкинтойларни ўзлари билан олиб кетмасдан югуриб кетаётганини кўрди. У ўғлини олиб чиқиш учун палатага югурди ва бошқа маҳбус билан бирга бошқа чақалоқлар ва болаларни ҳам олиб чиқишга қарор қилди. Болаларни қутқаришда колониянинг ушбу сектори ходимларидан ҳеч бири иштирок этмаган.

ҲОМИЛАДОР МАҲБУСЛАР

Ҳуқуқ ҳимоячиларига кўра, ҳомиладор маҳбуслар учун озиқ-овқат ва иш шароитлари бошқалар билан бир хил. Ҳомиладор аёлларга қўшимча рацион берилмайди ёки ошхонадан қўшимча овқат олишга рухсат этилмайди. Улар, шунингдек, бошқа маҳкумлар каби қамоқхонада ишлашга мажбурланадилар ва уларга туғруқ таътиллари берилмайди.

Гарчи колонияда гинекология бўлими қурилгани айтилган бўлса-да, ходимлар етишмаслиги сабабли у ҳеч қачон ишга тушмаган. Айтилишича, бу бино ҳозирда амбулатория сифатида фойдаланилмоқда. Гувоҳлардан бирининг сўзларига кўра, маҳкумларга баъзида тиббиёт ходимлари ёрдамисиз тиббиёт пункти йўлаги полида туғишга тўғри келади. Баъзи ҳолларда тиббий тайёргарликдан ўтган маҳбуслар чақалоқларни туғдиришда ёрдам беришган.

Тез ёрдам келгунига қадар аллақачон туғруқ бошланган ёш аёлда қаттиқ қон кетиш ҳолати бўлган. Маҳбус кейинчалик колония ходимларини жиноий жавобгарликка тортишга уринди, бироқ адолатга эриша олмади.

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР: ГЕПАТИТ С, ОИВ, COVID -19

Собиқ маҳбусларнинг АНРСАга айтишича, кўплаб аёллар ҳомиладорлик пайтида ва туғриқдан сўнг қамоқхона касалхонасида гигиена қоидаларига риоя қилинмаганлик (стерилизация қилинмаган идишларни қайта-қайта ишлатиш ва бошқалар) туфайли гепатит С билан касалланган.

Ҳозирги ва собиқ маҳкумларнинг фикрича, колониядаги тиббиёт ходимлари ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш чораларига бепарволик билан муносабатда бўлишди ва ОИВ билан касалланган беморларда қўлланилган тиббий асбоблар бошқа беморларда қўлланилгунга қадар доимий стерилизация қилинмайди.

2020-йил март ойида колонияларда коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида маҳкумлар ниқоб тақишлари ва ижтимоий масофани сақлашлари шарт бўлган санитария-профилактика чоралари жорий этилди. Маҳкумлар дастлаб синовдан ўтказилганлар, аммо ким COVID -19 юқтирганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор этилмаган ва ҳанузгача сир сақланмоқда. Маҳкумларнинг иситмаси кўтарилган, аммо уларда пневмония ташхиси қўйилган ва ўз маблағлари ҳисобидан даволанган. 2021-йилда ўзбекистонлик ва хитойлик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган COVID -19 вакцинасини олиш истагида бўлган маҳкумларга ушу вакцинани олиш имконияти берилди.

Гувоҳлардан бири шундай дейди: “Қандай қилиб вирусни юқтирмаслик мумкин? Ҳамма бир-бири билан яқин алоқада. Бу колонияда биз ҳаммамиз бир-биримизга яқин яшаймиз. Ҳар бир казармада 80 кишигача яшайди. Ухлаш жойлари бир-бирининг ёнида жойлашган, масофани сақлаш мумкин эмас».

Ўзбекистон ҳукуматига тавсиялар

- Ўзбекистондаги тиббий ходимлар, беморлар ва уларнинг оила аъзоларидан маълумотларни тўплаш ва тарқатиш орқали Ўзбекистон ичидаги маълумотларга киришни таъминлаш.
- Сиёсий ҳокимият ва маҳаллий манфаатдор томонлар, шу жумладан фуқаролик жамияти ўртасидаги мулоқотни қўллаб-қувватлаш.
- Кейинчалик тўғри фойдаланишни таъминлаш учун жиҳозларни тақдим этишда барқарорликка эътибор қаратиш ва ходимларни тўғри тайёрлашни таъминлаш.
- Пойтахтдан ташқарида тиббиёт соҳасига харажатларни ошириш ва ресурсларни тиббиёт муассасалари айниқса яроқсиз бўлган қишлоқлардаги алоҳида ҳудудларда тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга йўналтириш.
- Ўқув шароитлари, дарсликлар, лаборатория жиҳозлари, ўқитиш методикаси, малака ошириш курслари ва халқаро алмашинувларни яхшилаш орқали тиббий кадрлар тайёрлаш институтларини қўллаб-қувватлаш.
- Ўқув платформаларида ўзбек ёки рус тилларига таржима қилинган онлайн тиббий курслар орқали тиббиёт соҳасида электрон таълимни ривожлантириш.

ЗАНГИОТА АЁЛЛАР КОЛОНИЯСИГА НИСБАТАН:

- Халқаро инсон ҳуқуқлари қонунчилигига мувофиқ, аёллар колониясида тиббий ёрдамни шундай такомиллаштиришки, унга кўра туғруқдан кейинги ва туғруқдаги аёлларни, чақалоқлар ва болаларни ОИВ, сил ва бошқа юқумли касалликлардан шунингдек, гиёҳвандликдан тўғри даволаш ва парвариш қилишни таъминлаш, ҳамда ҳомиладор аёлларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиш.
- Гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилувчи аёллар учун мўлжалланган махсус даволаш дастурларини тақдим этиш ёки уларга ёрдам бериш, бунда олдинги виктимизация, ҳомиладор аёллар ва болали аёлларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиш.
- Ҳомиладор ва эмизикли аёл маҳкумлар, болалар ва чақалоқларни соғлом озиқ-овқат билан ўз вақтида таъминлаш, соғлом муҳит яратиш ва мунтазам жисмоний машқлар қилиш имкониятини бепул таъминлаш. Маҳкум аёллар, агар соғлиғининг ўзига хос сабаблари бўлмаса, ўз фарзандларини кўкрак сути билан боқишдан чекланмасликлари керак.
- Фарзандлари ўзлари билан бирга қамоқда бўлган маҳкум аёлларга ўз фарзандлари билан вақт ўтказишлари учун максимал имкониятлар яратиш.